



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 15 июль, № 148-149 (7928-7929)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ  
Лицензиялаш,  
рухсат бериш ва  
хабардор қилиш  
тартиб-таомиллари  
тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 5 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши: интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг тўғрисидаги шартнома) асосида амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти;

тадбиркорлик субъектларини, битимларни, ҳуқуқларни ва мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш; аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш;

давлат экологик экспертизаси; атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият; ушбу Қонуннинг 2-илоvasида кўрсатилмаган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни жисмоний шахсларга бериш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонуннинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатларига тааллуқли бўлган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тегишли фаолият соҳаларидаги муносабатларни тартибга солишчи қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

(Давоми 4, 5, 6, 7-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ  
Ёшларни ҳар томонлама  
қўллаб-қувватлаш ва уларнинг  
ижтимоий фаоллигини  
янада оширишга оид қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улур мақсадга эришиш йўлида асосий таъинимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтисодлари ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-хунарлар, IT-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина 2021 йилнинг ўтган даврида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар дастурлари» асосида 430 минг нафар йигит-қизнинг ҳаётини муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар, қишлоқ жойларда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун 61 минг гектар ер майдони ажратилгани бу борадаги ишларнинг қўламини тобора кенгайтиб бораётганини кўрсатади.

Жорий йил 30 июнь кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида илгари сурилган янги ташаббус ва ғояларни амалга ошириш ҳамда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил август ойида «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун Давлат бюджетиде маблағлари ҳисобидан 500 минг сўм миқдориде бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин.  
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинулмалари раҳбарлари — «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиулмалари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра: «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларига 2021/2022 ўқув йилида биринчи ўқув йили учун тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси Давлат бюджетиде маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин;

(Давоми 8-бетда).

## ЖАДАЛЛАШАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ташаббуслар туфайли юз бераётган ўзгаришлар давомийлиги — ҳаётини зарурат.

Тарихни ислоҳотчилар яратади. Улар қатъий ўрнашиб қолган тартибларни ўзгартиришга, дунёни янгича кўринишда қайта қуришга, кўп миллионли халқларни буюк ишлар сари етаклашга журъат этади. Айнан шундай инсонларнинг фаолияти давр нафасини белгилаб беради.



Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига



«Ўзбекистонда нималар бўляпти, мамлакат ривожланиётими?» Шундай саволни бундан беш-ўн йил аввал берганлар, балки: «Ҳа, нималардир ўзгармоқда, ахир қаердадир қурилиш кетаяпти, янги объектлар очилаяпти», деган жавобни олган бўларди. Лекин бугунги куннинг, янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг шиддатини кўриб, ағлаш мумкинки, ўзгаришларнинг ҳозирги ва ўша пайтдаги суръатида жуда катта фарқ бор.

Айни вақтда Ўзбекистон асрга татиғулик ўзгаришларини бошидан кечирмоқда. Одамлар ҳаётини яшиланиб, ҳудудларнинг қиёфаси кўз ўнгимизда кўркамлашяпти, бутун бир янги шаҳарлар бунёд бўлмоқда. Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг ўттиз йиллиги олдидан кўксини тўлдириб нафас олаётгандек, гўё.

Ёрқин ташбехларга муносиб

Ҳеч шубҳасиз, «Янги Ўзбекистон феномени» маҳаллий ва хорижий таҳлилчилар томонидан ҳали кўп ўрганилади. Айниқса, хорижликларнинг мамлакатимизга қизиқиши жуда катта. Улар муаллифлигида чиқаётган таҳлилий мақолалар

одатда оригинал ўхшатиш ва сифатлашларга бой. Мисол учун яқинда «Деловая Россия» журнали ва «Бизнес России» ҳукумат порталида чиққан материалга муаллиф «Независимый Узбекистан. Новый «тигр» Средней Азии» — «Мустақил Ўзбекистон. Урта Осиёнинг янги «йўлбарси», деб сарлавҳа қўйган.

«Тарихан жуда қисқа давр — бор-йўғи 30 йилда Ўзбекистон улкан силжишни амалга ошириб, иқтисодий ва технологик ўсиш суръатлари бўйича янгиланишлар шиддати ва қўламини билан халқаро ҳамжамиятни лол қолдирган давлатлар — афсонавий «Осиё йўлбарслари»га тенглашди», дея изоҳланади мақолада. Таъкидланишича, кўпроқ қишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган республика бўлган Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқлари жадал диверсификация қилинаётган ҳамда турмуш даражаси йилдан-йилга кўтарилаётган замонавий, очик ва демократик давлатга айланади.

Албатта, янгиланиш жараёни ўз-ўзидан бошланиб, давом этаётгани йўқ. Шавкат Мирзиёев ташаббуслари асосида олиб борилаётган барча тизимларни тубдан қайта қуриш бунёдкорлик жараёнининг ҳар бир иштирокчисидан чинакам фи



дойиликни талаб қилади. Лекин, мана, сиёсий ирода намоиши этилди, бош мурват буралди ва қилинган ишларнинг натижалари таҳсинга лойиқ.

Инсоният ҳаммаша маънавият ва юксак туйғуларга интилса-да, гап ўсиш ҳамда тараққиёт ҳақида борар экан, биринчи галда кўпчиликни иқтисодий кўрсаткичлар қизиқтиради. Бунда молия соҳаси мутахассислари ва таҳлилчилар асосий ноттиқлар ҳисобланишади. Уларга ҳам ўзига хос ташбехлар бегона эмас. Масалан, дунёдаги етакчи «J. P. Morgan» инвестициявий банки яқинда эълон қилган маърузанинг сарлавҳаси ҳам шойроҳона — «Uzbekistan: Soum'er Solstice». Буни «Ўзбекистоннинг Кўёш каби кўтарилиши» деб таржима қилиш мумкин.

Таҳлилчилар бизнинг мамлакатимиз бўйича салмоқли тадқиқот ўтказишгани бежиз эмас: кейинги йилларда Ўзбекистон айрим давлатларига эриша олган юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намоиш қилмоқда, деб эътироф этилади унда. Иқтисодиётнинг ўсиши ўртача олти фоизни ташкил қилгани қўллаб-даватларда қизиқиш уйғотди. Келгусидаги стратегик режа ва мақсадлар ҳам шундай ёки бундан ҳам юқориқроқ иқтисодий ўсишни таъминлайди. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар суръати Ўзбекистоннинг салоҳияти ортиси ва тараққиётига хизмат қилади, деб ҳисоб-

лайди «J. P. Morgan». Шунингдек, у йил якуни бўйича ЯИМнинг ўсиши 8,1 фоиз бўлишини башорат қилмоқда. Бу эса ХВЖ ва халқаро ташкилотларнинг башоратидан анча юқоридир.

Рақамлар, албатта кўп нарсани ифодалайди. Лекин иқтисодиётдаги, жуйладан, молия соҳасидаги динамика кундалик ҳаётимизда ҳам намоён бўлмоқда.

Масалан, сиз чет эллик меҳмонларга ўз валютасини банкда ҳақиқий курс бўйича сўмга алмаштира олмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрганмисиз? Ёки кичик бир суммадаги долларини ҳам сотиб ола олмаслиги ҳақидаги саволига жавоб бера олганмисиз? Тушунарсиз ҳолат, шундай эмасми? Яна бир нарсдаги мантқиқни тушуниш қийинки, чўнтагингизда бўлган нақд пул картадагидан 10, 15 ва ҳатто 20 фоизгача қиммат...

Буларларнинг барчаси яқин-яқингача ўзбекистонликларни ва мамлакатимизга ташириқ буюрган меҳмонларни қийнаб келган банк муаммолари эди. Энди улардан асар ҳам қолмади. Валютани эркин айирбошлаш, шунингдек, солиқ ислоҳотлари сармоядорлар томонидан қулай ишчанлик муҳитини ўрнатилшга хизмат қилувчи асосий омиллар, дея баҳоланмоқда.

➡ 8

«Халқ сўзи» учун махсус

## ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН СИЁСАТИ ВА ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИНИ НАМОЁН ЭТАДИ

Бугун Тошкентда «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференция ўз ишини бошлаяпти. «Дунё» АА муҳбирлари халқаро ташкилотлар вакиллари, дипломатия миссиялари раҳбарлари билан Тошкент конференциясининг аҳамияти ва ундан қутилаётган натижалар ҳақида суҳбатлашди.

Мевлут Чавушўғлу,  
Туркия ташқи ишлар  
вазир:

— Яна бир бор қардош Ўзбекистон диёрида бўлиб турганимдан бениҳоя мамнунман. Туркия Президенти бизга «Ўзбекистонга тез-тез бориб туришлар, қардошларимиз билан доим бирга бўлишлар», деган алоҳида топшириқ берган. Биз Тошкентда бошланаётган жуда муҳим халқаро конференцияда иштирок этиш учун ташириқ буюрдик.

Ушбу тадбир Президент Шавкат Мирзиёев Жанобий Олийлари томонидан илгари сурилган янги ташаббус, янги ғоя ҳисобланади. У муҳиятган Марказий Осиё минтақасининг Жанубий Осиё билан ўзаро боғлиқлиги асосида янги ва замонавий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ўзиде муҳассас этган.

Ҳақиқатан ҳам бу ҳудудларда автомобиль ва темир йўллар, энергетика лойиҳаларини амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Бу жараёнда Ўзбекистон марказий ўрин тутаяди, деб ҳисоблаймиз. Бугун Биз Ўзбекистон Президентининг ушбу муҳим ташаббусини қўллаб-қувватлаш учун келдик.

Язғули Маммедов,  
Туркменистоннинг  
Ўзбекистондаги элчиси:  
— Маълумки, форум кун тартибига Марказий ва Жанубий

Осиё мамлакатлари ўртасида транспорт-логистика, энергетика, савдо-сотик, ишлаб чиқариш, инвестиция, маданий-гуманитар ва янги технологиялар соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар киритилган. Дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари билан бирга анжуманда иштирок этиши катта аҳамиятга эга. Форум иқтисодий, энергетика, савдо, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича фикр алмашиниш учун ноёб майдонга айланади.

Туркменистон Марказий Осиё минтақасининг Жанубий Осиё билан ўзаро боғлиқлиги асосида янги ва замонавий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ўзиде муҳассас этган. Ҳақиқатан ҳам бу ҳудудларда автомобиль ва темир йўллар, энергетика лойиҳаларини амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Бу жараёнда Ўзбекистон марказий ўрин тутаяди, деб ҳисоблаймиз. Бугун Биз Ўзбекистон Президентининг ушбу муҳим ташаббусини қўллаб-қувватлаш учун келдик.

Мамлакатимиз минтақада турли йирик иқтисодий лойиҳалар, шу жумладан, Туркменистон — Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон газ қувурини қуриш лойиҳасини амалга оширмоқда. Туркменистон учун минтақа мамлакатлари билан яқин ҳамкорлиқни фойдалантириш, минтақаларо ўзаро алоқалар доирасида тажриба ва маълумот алмашиниш катта аҳамиятга эга.

Мен Ўзбекистон раҳбарияти ва анжуман ташкилотчиларини

бундай муҳим тадбирни ўтказаятгани билан табриқлайман, барча иштирокчиларга соғлиқ-саломатлик, минтақалар ўртасида яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган фаолиятда муваффақиятлар тилайман.

Гусейн Гулиев,  
Ўзбайжоннинг  
Ўзбекистондаги элчиси:  
— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур конференция Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги дўстона алоқалар, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Афғонистон Президентлари, Покистон Бош вазир, Марказий ҳамда Жанубий Осиё мамлакатлари ва бошқа қатор давлатларнинг ташқи вазирлари ва юқори мартабали вакиллари, шунингдек, нуфузли халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар, глобал молия институтлари ва компаниялари, етакчи тадқиқот ҳамда таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этиши қутилаётган мазкур конференция, шубҳасиз, бугунги куннинг энг муҳим воқеасига айланади.

Транспорт ва логистика, энергетика, савдо-сотик, ишлаб чиқариш, инвестиция, технологик, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли бўлган «Марказий-Жанубий Осиё» ўзаро стратегик боғлиқлик моделини ҳар томонлама муҳокама қилиш учун сиёсий ва эксперт платформасини шакллантиришга йўналтирилган мазкур юқори даражадаги конференция минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

«Дунё» АА.

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO  
15-16 IYUL, TOSHKENT

Афғонистон можароси ва  
янги Ўзбекистон:

## ЭСКИ МУАММОГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



2, 3-саҳифаларга қаранг. ➡

КИСКА САТРЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирини Сардор Умурзоқов Покистон Ислам Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довудни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигининг бугунги кун тартиби, бўлажак олий даражадаги ташириқ доирасида икки томонлама тадбирларга тайёргарлик ҳамда кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришнинг янги истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислам Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг олтинчи йиллиги бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Покистон Ислам Республикаси ҳукуматининг

Худудлараро мувофиқлаштириш вазирлиги ўртасида Меморандум имзоланди. Шунингдек, йилги натижалари бўйича имзоланган якуний баённомада эса тадбир давомида эришилган асосий келишувлар акс этди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиллигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирини Сардор Умурзоқов, Покистон Ислам Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довуд ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Тадбирда инвестиция ва савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, икки мамлакат ишбилармон доиралари ўзаро ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

**15-16 июль кунлари пойтахтимиз “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзuida ўтказиладиган юқори даражадаги халқаро конференцияга мезбонлик қилади. Номлаишининг ўзиёқ анжуманда кўриб чиқиладиган муаммолар ҳақида етарлича тасаввур беради.**

**Аммо Ўзбекистон Президентининг ана шу нуфузли тадбирни ўтказиш ташаббусидан келиб чиқадиган асл мақсади ва моҳиятини, яъни анжуман муваффақияти ҳамда бўлиб ўтадиган музокаралардан кутилаётган натижалар аҳамияти нафақат минтақа, балки кенг дунё ҳамжамияти манфаатлари учун нақадар долзарб ва оламшумул бўлиши мумкинлигини ҳали кўпчилик аниқ-тиниқ тушуниб етганича йўқ.**

**Заҳматкаш афгон юртида мустабид шўролар тузумининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида йўқолган тинчлик, мана 40 йилдан ошдики, ҳамон тикланмади. Жуғрофий жиҳатдан Афғонистон худудининг Шимолий қисми Марказий Осиёда, қолган қисми эса Осиёнинг Жанубида жойлашган, яъни икки субминтақа ўртасидаги давлатдир. Аммо, афсуски, ҳозирги кунгача Афғонистон ва афгон можароси ана шу икки субминтақани ўзаро боғлаб турувчи кўприк бўлиб эмас, аксинча, уларни бир-биридан ажратиб турувчи ғов, катта бир тўсиқ сифатида “хизмат” қилиб келмоқда.**

Шу аснода Шавкат Мирзиёев ўз ташаббуси-да афгон масаласига мутлақо бошқача нуқтаи назардан қарашни тақлиф қилмоқда, яъни Афғонистоннинг ана шу жуғрофий ҳолатини унинг гео-сиёсий ва геоиқтисодий устунилигига айлантириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, афгон можаросини имкон борича тезроқ ҳал қилиш вазифасини қўяди.

Агар ушбу мақсадга эришилса, афгон диёри ҳаммага хавф-хатар тугдирадиган худуд деган муҳиш мақомдан қутулиб, Марказий ва Жанубий Осиё субминтақаларини бир-бирига чам-барчас боғлайдиган, улар ўртасидаги узвийлик-ни тасминлайдиган муҳим кўприкка айланади.

Шавкат Мирзиёев тақлиф қилаётган режа амалга ошган тақдирда, Ер юзининг қарийб 2 миллиард аҳолиси яшайдиган худудда барқарор тинчликка эришиш, камбағалликдан қутулиш ва иқтисодий-ижтимоий ўсиш масалаларида мисли кўрилмаган имкониятлар эшиги очилиб, мутлақо ўзгача геоиёсий вазият ва ижобий истиқболлар юзгага келиши мумкин.

Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент халқаро кон-ференциясини ўтказиш ташаббуси замирида ай-нан шу асл моҳият ётади, десак, муболага бўлмайди.



## «ТОЛИБОН»: ҲОКИМИЯТ УЧУН ИККИНЧИ УРИНИШ ЁХУД УШБУ СИЁСИЙ КУЧГА ИШОНСА БЎЛАДИМИ?

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ)да тар-қалган маълумотга кўра, толиблар охириг икки ой ичида 407 та тумандан 167 тасини эгаллаган. Боз устига, кейинги ойда Тожикистон ва Ўзбекис-тон билан чегарадош вилоятларда ҳукумат қўшин-лари ҳамда “Толибон” ҳара-кати ўртасида тўқнашувлар да-вом этмоқда.

Хусусан, 21 июнь куни жан-гарилар Афғонистоннинг То-жикистон ва Ўзбекистон би-лан чегара худудларига чиқиб келишга муваффақ бўлишди. Шу куни улар чегара яқинида-ги Шерхон-Бандар шаҳрини эгаллашди. Яъни, энди Тожи-кистон орқали “Шимолий альянс” кучларига халқаро ёрдам келадиган муҳим йўлни тўлиқ ўз назоратига олди. Айни пайтда Термиз — Ҳайратон йўлини ҳам назоратга олишга уринишмоқда. 8 июлдаги ха-барга кўра эса “Толибон” жанг-чилари Хирот вилоятидаги Эрон ва Туркманистон билан чегарадаги асосий назорат пунктларини ўз назоратига олишган. Бундан кўриниб ту-рибдики, толиблар, биринчи навбатда, уларга оппозиция ҳисобланган бошқа афгон куч-ларига четдан ёрдам келиши мумкин бўлган че-гараларни эгаллашмоқда.

Мазкур тўқнашувлар оқибатида Афғонистон

энди толиблар, биринчи навбатда, ўзбеклар, то-жиклар, туркманлар, ҳазорийлар ва бошқалар яшайдиган худудларга дадил кириб бориб, уларга тажовуз қилишмоқда? Нима мақсадда толиблар дарҳол улар учун стратегик рақиб ҳисобланадиган “Шимолий альянс”нинг асосий таянчи — Мозори-Шариф шаҳрини қуршаб олиш ҳаракатида?

Маълумки, толиблар 1996 — 2001 йилларда “Шимолий альянс” билан бўлган тўқнашувларда қақшатқич зарбага учраган эди. Улар, табиийки, ушбу мағлубиятдан тегишли сабоқ чиқаришган. Энди эса ўша пайтда йўл қўйилган хатоларни так-рорламасдан, имкон борича тезроқ асосий рақи-бининг пайини қирқишга тушишган, дейиш мумкин.

Шу ўринда яна бир омилга тўхталиб ўтсак. Бугунги кунда “Толибон” ҳақида гап кетганда, ай-рим экспертлар нафақат диний, балки этник жи-ҳатларга ҳам етарлича урғу беришмаётганга ўхшапти. Чунки Афғо-нистонда қандай куч ҳоки-миятга келишидан қатъи назар, бу толибларми ёки бошқа бирими, ушбу омиллар билан ҳисоб-лашишга, яъни Шимолда яшайдиган тожик, ўзбек, туркман ва ҳазорийлар билан ўзаро мurosага ке-лишга мажбур бўлади.

Тарихдан маълумки, ўтган асрнинг 30-йилла-ригача “афгон” этноними билан фақат пуштунлар аталган, яъни бу ном уларгагина тегишли бўлган. Ушбу миллат ва-килларнинг катта қисми

**НИМА УЧУН АСОСАН, АФҒОНИСТОН ЖАНУБИДАГИ ПУШТУНЛАРДАН ТАРКИБ ТОПГАН “ТОЛИБОН” ҲАРАКАТИ ЖАНГАРИЛАРИ ЎЗ ЮРИШИНИ АЙНАН ШИМОЛ ТАРАФГА ҚАРАБ ЮРИШДАН БОШЛАШДИ? ХҲШ, НЕГА ЭНДИ ТОЛИБЛАР, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ЎЗБЕКЛАР, ТОЖИКЛАР, ТУРКМАНЛАР, ҲАЗОРИЙЛАР ВА БОШҚАЛАР ЯШАЙДИГАН ХУДУДЛАРГА ДАДИЛ КИРИБ БОРИБ, УЛАРГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШМОҚДА? НИМА МАҚСАДДА ТОЛИБЛАР ДАРҲОЛ УЛАР УЧУН СТРАТЕГИК РАҚИБ ҲИСОБЛАНАДИГАН “ШИМОЛИЙ АЛЪЯНС”НИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ — МОЗОРИ-ШАРИФ ШАҲРИНИ ҚУРШАБ ОЛИШ ҲАРАКАТИДА?**

Покистонда (30 миллиондан зиёд) ва қисман Аф-ғонистонда (13 миллион атрофида) истиқомат қилади.

# Афғонистон можароси ва ЭСКИ МУАММОГА

ҳукумати ҳарбий хизматчилари чегарадан ўтиб, Тожикистон ва Ўзбекистон худудларига чекиниш-га мажбур бўлишмоқда.

Айни пайтда Афғонистонда юзага келган ва-зият таҳлилий экспертлар ҳамжамияти ўртасида бир қанча саволларни тудиряпти. Масалан, нима учун жанговар руҳи синган ҳукумат қўшинлари ай-рим ҳолларда деярли қаршилик кўрсатмасдан, қўриқлаётган худудларини барча қурол-яроғлар билан толибларга бирма-бир топширмоқда ва ҳатто, ўзлари ҳам улар томонига ўтиб кетишяпти?

Тўғри, афгон ҳукумати ҳозирча Кобул, Қанда-хор, Мозори-Шариф каби йирик аҳоли пунктла-рини ўз қўлида ушлаб турибди, аммо улар то-либлар томонидан ўраб олинган.

Бу ҳол экспертлар ўртасида “толиблар хори-жий кучлар мамлакатдан чиқиб кетиши билан дарҳол ҳужумга ўтиш ва мамлакат пойтахтини эгаллаб олишга тайёрланишмоқда”, деган фара-зани уйғотмоқда.

Шу аснода, толиблар улар томонига ўз ихтиёри билан ўтган ҳукумат ҳарбийларига маош ҳам тўлай бошлабди, деган хабарлар тарқалди. Қизик, йиллар давомида қайси қуринмас қўл то-либларга ушбу ҳарбий ҳаракатлар учун маблағ бераётган экан? Боиси уруш олиб бориш — ав-валамбор, жуда катта иқтисодий ва молиявий харажат деганидир.

Бу ҳам экспертларни ўзига жалб қиладиган масалалардан бири ҳисобланади. Маълумки, “То-либон” ҳукуматиани аввалбошдан тан олган учта мамлакат бор: Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари ва Покистон. Гарчи “Толи-бон”ни расмий тан олмаса-да, АҚШ ҳукумати ҳам ўтган асрнинг 80 ва қисман 90-йилларида қўллаб-қувватлаган кучларнинг олдинги сафида эди. Шунингдек, айтишларича, агар толиблар Бомиян шаҳридаги IV ва V асрлардан қолган Будда ҳайкалларини портлатмаганда, Ҳитой ҳам улар-ни тан олиши мумкин эди, деган таҳминлар бор.

Кишини йилантирадиган яна бир факт ҳақида тўхталсак. Нима учун асосан, Афғонистон Жану-бидаги пуштунлардан таркиб толган “Толибон” ҳаракати жангарилари ўз юришини айнан шимол тарафга қараб юришдан бошлашди? Хўш, нега

“Толибон”га эса Покистон Шимолидаги ва Аф-ғонистон Жанубидаги пуштунлар асос солишган. Тўғри, бугунги кунда толиблар сафида уларга хай-рихоҳ бўлган бошқа миллат вакиллари ҳам топи-лиши мумкин. Бирок факт шунки, “Толибон” ҳаракати, асосан, пуштунлардан таркиб толган.

Бундан ташқари, толибларнинг ўз диний ақида-си — “ашъарийлик” мавжуд. Ушбу таълимот IX-X асрда яшаб ўтган мусулмон файласуфи Абул Ҳасан Али ал-Ашъарий номидан олинган. Мазкур диний таълимотга кўра, ким бу ақидага қарши борса, у диндан адашган ҳисобланади ҳамда у ҳар қандай таъқубга ва шафқатсиз таъйиққа лойиқдир.

Ана шу ақида билан маънавий ва мафкура-вий “қуролланган” “Толибон” ҳаракати 1996 йил сентябрда Кобулни ишғол этди, Афғонистон Ислам Амирлигини эълон қилди ҳамда ички сиёсатни ўз диний ақидаси асосида қурғиштири бошлади. Жумладан, толиблар Афғонистонда те-левидение, мусиқа ва бадийи санъат, компью-тер ҳамда интернет, шахмат ўйини, оқ тусдаги оёқ кийимни (оқ — толиблар байроғининг ранги), аёлларнинг билим олиши ва ишлашини қатъий тақиқлашди. Суд тизимида ҳам ана шу диний ақида йўриғида иш олиб борилар, одамлар омма кўзи олдида жазоланар ҳамда қатл қилинади.

Аммо бу каби ички сиёсат афгон халқи ора-сида толиблар бўрбўсиға катта пугур етказди, бошқа афгон сиёсий гуруҳлари ҳамда жаҳон ҳам-жамияти томонидан қаттиқ қораланди.

Маълумки, ўшанда толибларга айнан “Шимо-лий альянс”, яъни Афғонистоннинг пуштун бўлмаган халқлари (ўзбеклар, тожиклар, ҳазо-рийлар ва бошқалар) қарши туришган. Ушанда альянснинг асосий етакчиларидан бири тожик-ларнинг “Афғонистон ислом жамияти” партияси раҳбари Аҳмадшоҳ Масъуд бўлса, яна бири аф-гон ўзбеклари лидери Абдулрашид Дўстум эди.

2001 йилда “Шимолий альянс” халқаро кучлар ёрдамига таянган ҳолда толиблар қурган тузумни ағдарди ҳамда уларни Кобулдан ва мамлакат-нинг улар эгаллаган қисмидан сиқиб чиқарди.

Мамлакатдан қувилган толиблар 2001 йилдан бошлаб Покистоннинг пуштунлар яшайдиган Ши-молий Вазиристон вилоятини ўзларининг таянч базасига айлантиришди. Ҳатто вилоятдаги ҳоки-миятни ўз қўлига олдилар, 2006 йил февралда эса ўша ерда мустақил Вазиристон Ислам Амир-лиги тузилгани эълон қилинди. Покистон армия-сининг вазиятни ўз назоратига олиш учун ури-нишлари натижа бермади ва боз устига, толиб-лар Амирлиги худуди Жанубий Вазиристон ви-лояти ҳисобига анчагина кенгайтирилди.

Ҳозирги кунда “Толибон” яна Афғонистон ҳуд-дининг анчагина қисмини ўз назоратига олгани — факт. Бироқ Абдулрашид Дўстум атрофида “Шимолий альянс”ни қайта тиклашга ёрдам бера оладиган Аҳмадшоҳ Масъуд каби жиддий мавке-га эга бўлган лидерлар йўқлиги (у 20 йил илгари халок бўлган) кўзга ташланмоқда.

Мухтасар айтганда, тожик, ўзбек ва туркман-лар яшайдиган шимолий вилоятларда вазият оғир. Шунингдек, олдинги даврлардан фарқли ўларок, хорижий давлатлар ҳам негадир “Шимолий аль-янс”ни қўллаб-қувватлашга унчалик шошилиш-маяпти. Боз устига, яқинда толиблар Аҳмадшоҳ-нинг Панжшердаги собиқ қароргоҳини эгаллаб, ўша ерда ўз кенгашини намоийшқорона ўтка-зишгани ҳақида ОАВ орқали фоторепортаж тар-қатилди. Бунга толиблар томонидан афгон то-жикларининг жанговар руҳини синдириш учун амалга оширилган пиар-акция деб қараш керак, деган фикр ҳам шарҳловчилар ўртасида мавжуд.

Яна бир эътиборни ўзига тортадиган жиҳат бор: таҳлилчилар Афғонистондаги ҳозирги ва-зиятнинг жуда тез ва қутилмаган тарзда ривожла-наётганидан хавотирда. Бу эса манфаатдор ташқи ҳамда ички сиёсий кучлар ўртасида бош-қача, яъни яширин ҳолдаги кўп тарафлама ёки сепарат келишувлар ҳам бормикан, деган шуб-ҳаларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, айрим хорижий экспертлар “Толи-бон”га нисбатан ишончсизлик билдиришаётгани сир эмас. Уларнинг фикрига кўра толиблар охири-гача, яъни мамлакатни тўлиқ ўз қўлига олмагунча, жангни давом эттиришга шай турганга ўхшайди.

Бугун айримлар “Толибон” ҳаракатининг раҳ-барлари шунчаки консерватив мулалар-ку, улар-нинг қўлидан нима ҳам келарди, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Аммо мавжуд фактлар бошқа ман-зарани кўрсатмоқда.

Авваламбор, тан олиш лозимки, ўтган давр-лар ичида “Толибон” айнан сиёсий куч сифатида анча улғайди ва катта тажриба тўплади. Шунинг-дек, расмий Кобул ҳукумати ва унинг орқасида турган ташқи кучлар билан сиёсий ҳамда ҳарбий тортишувларда жиддий тобланди.

Бундан ташқари, Афғонистонда муваффақият-сизликка учраган ўтган галдаги давлат қуриш тажрибаси ва 2001 йилдаги ҳарбий мағлубият “Толибон” раҳбарларига, айниқса, уларнинг сиёсий мафкураси ҳамда амалий ёндашувига қаттиқ таъсир ўтказган кўринади.

Масалан, бугунги кунда “Толибон”нинг кучли политтехнологлар ва таҳлилчилар хизматидан фойдаланаётгани яққол сезилияпти. Агар толиб-лар атрофида муҳожиждарга ҳақ салла-соқолда-ги ажнабий маслаҳатчилар ёки IT-мутаассисла-ри юришган бўлса, бунга ажабланмаслик керак. Шунингдек, толиблар ўз имижни устида ишлаёт-гани ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса оддий афгонлар ўртасида уларга нисбатан нафратнинг анча пасайишига олиб келди, назаримда. Бунги айрим худудларнинг уларга хайрихоҳлик билди-риб, улар тарафига ҳеч бир жангсиз ўтиб кетаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хуллас, ҳозирги кунда кўпчилик мутаассиб-лар, деб қараётган ушбу “мулла”лар замонавий дунё таълимотларини етарлича ўзлаштириб олиб, Афғонистонда мураккаб стратегик ва тактик ҳара-катларни амалга оширадиган куч даражасига чи-қиб олаётганини ҳеч ким инкор этмаска керак. Бунги толибларнинг пухта режа асосида олиб бо-раётган халқаро музокаралар кун тартибидан, АҚШ олдида қўяётган шартлар мазмунидан ёки

амалга ошираётган ҳарбий ҳаракатларнинг тез-корлиги ва самарадорлигидан ҳам пайқаш мум-кин.

Лекин энг муҳим фарқ, уларнинг фавқулодда либераллашаётганида кўринади. Яъни улар бугун Афғонистонда тинчлик музокараларига розилиги ва бошқа кучларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини тинглашга тайёр эканини билдиришмоқда.

Тошкент, Доха, Москва, Анқара ва бошқа жой-ларда бўлиб ўтган кўп ҳамда икки томонлама музокаралар чоғида толиблар Афғонистонда ўзаро жангларни тўхтатиш, тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида ўз зиммаларига тегишли масъулиятни олишга тайёр эканликларини бил-диришаётгани ҳам шундан далолат беради.

Бундан ташқари, “Толибон” лидерлари диний радикалликни анча юмшатишга тайёр туришганига ишора қилишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ташқи ишлар вазир А. Комиллов АҚШнинг “This Is America TV” телевизион лойиҳасига берган интервьюсида “Толибон”нинг расмий интернет-сайтидан иқтибос келтирди. Унда жойлаштирилган мақолада: “Биз аёллар, қизлар ва бошқаларнинг ҳуқуқларини таъ-минлашни истаймиз. Аёллар таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ишлай олишлари керак. Биз қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар ўрнатишни хоҳлаймиз...” деб таъкидлаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон толиблар билан алоқаларни давом эттириш та-рафдори бўлиб қолмоқда. Чунки мулоқот йўли билан толиблар ёндашувига кўпроқ ижобий таъ-сир ўтказиш мумкин.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон қўшни аф-гон юртида 90-йиллардаги ҳоҳил тизим қайт-маслиғига қаттиқ умид билдиради. Жумладан, Абдулазиз Комилов ўша интервьюсида Афғо-нистонда сиёсий тизим қандай бўлади, деган саволга ушбу давлатда кейинги 9 йилда эришилган демократик, яъни фуқаролик жамияти, ҳокимият ва сайлов тизими, аёллар ҳуқуқлари каби ютуқларни инкор қилиб бўлмаслиғига урғу бер-ди. Шунингдек, ...албатта, биз 90-йилларда юзага келган Афғонистон Ислам Амирлигини қабул қила олмаймиз. ...Биз бу муаммо амалдаги ҳукумат ва қуролли муҳолифат —“Толибон” ва бошқалар ўртасидаги ўзаро мurosа орқали ҳал қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз”, деб қўрсатиб ўтди.


## ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА НИМАЛАРДАН УМИД ҚИЛСА БЎЛАДИ?

Нафсиламрини айтганда, юзага келган вазият ҳозирча жавобларга нисбатан саволлар-ни кўпроқ келтириб чиқармоқда, десак, тўғри бўла-ди. Бу ҳол эса қўшни давлатдаги ҳар бир ўзга-ришнинг мунтазам равишида ва диққат билан, яъни бирон-бир майда деталларни ҳам кўздан қочир-масдан кузатиб боришни ҳамда тизимли тарзда таҳлил қилишни тақозо этади.

Маълумки, 2020 йил февралда Қатарнинг Доха шаҳрида АҚШ ва “Толибон” ҳаракати ўртасида музокаралар ўтказилиб, Тинчлик шартномасига имзо қўйилди. Америкаликлар толибларга бун-дан кейин “Ал-Қоида” ва шу каби бошқа экстре-мистик гуруҳлар билан ҳамкорлик қилишни тўхтатиш, жангни бас қилиб, афгон ҳукумати би-лан тинч музокараларни бошлаш шартини қўйиш-ди. Бундан ташқари, толиблардан Кобулдаги рас-мий ҳукумат ва бошқа афгон сиёсий кучлари билан тинчлик музокараларига киришиб, улар би-лан биргаликда мамлакатда ўзаро ярашиш жа-раёини бошлаш ҳамда коалицион ҳукумат ту-зиш масалаларини қўриб чиқиш ҳам қутилиди.

Ўз навбатида, толиблар АҚШ олдида “Толи-бон” ҳаракатини халқаро даражада тан олиш (бу ушбу кучнинг халқаро майдондаги сиёсий-ҳуқуқий легитимлигини таъминлаб беради), 2021 йил 1 май кунигача АҚШ ҳарбийларини мамлакатдан олиб чиқиш (аммо бу ортга сурилди — янги

Манба: «Ишонч» газетасининг  
2021 йил 14 июль № 89-90 (4530) сонидан



Манба: «Ишонч» газетасининг  
2021 йил 14 июль № 89-90 (4530) сони





# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида

**(Давоми. Бошланishi 1, 4, 5-бетларда).**

якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда; жисмоний шахсининг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда; лицензия берилганлиги учун давлат божى ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун йўғим белгиланган муддатда тўланмаганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли органининг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга ҳилофлиги аниқланганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларига, жамоат ҳавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса. Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг бекор қилинишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларнинг рўйхати фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидадан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланади;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи – олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи – ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд томонидан бекор қилинади. Ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензията ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиш асосларини, қўнўнчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ушбу модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра бекор қилинган тақдирда, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат улар берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Суднинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензията ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга ваколатли органга қўнўнчиликда белгиланган муддатларда етказилади.

Ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензията ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш асосларини, қўнўнчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказади.

Ваколатли орган бекор қилинган лицензиялар ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни бир иш куни ичида махсус электрон тизим воситасида тегишлина лицензиялар реестрига ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига киритади.

#### 34-модда. Лицензиянинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши куйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиялаш тартиби ёки рухсат бериш тартиб-таомили бекор қилинганда;

лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш мuddати тугаганда;

бажарилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган бир марталик ҳаракат бажарилганда;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга эга бўлган жисмоний шахс вафот этганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан ваколатли органга лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан илгари мурожаат этилган бўлиб, мазкур мuddат ичида лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли органга ариза билан мурожаат қилинмаган тақдирда.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилган ҳолларда ваколатли орган томонидан лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

#### 35-модда. Талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун йўғим

Талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йўғим фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидадан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланган ҳолларда ҳамда миқдорларда ундирилади. Йўғим миқдори ваколатли органининг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқш учун қилган ҳаражатлари доирасида белгиланади.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни талабгорга беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган, шунингдек талабгор берган аризасидан воз кечган тақдирда талабгорнинг лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун тўланган йўғим суммаси қайтарилмайди.

##### 5-бoб. Хабардор қилиш тартиб-таoмиллари

#### 36-модда. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар)

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш учун ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинишини талаб этмайдиган, бироқ давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш, шунингдек тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун қўнўнчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ҳамда шартларга рия этиш бўйича юридик ва жисмоний шахслар ўз зиммасига мажбуриятлар қабул қилиши орқали амалга ошириладиган фаолият турларини ўз ичига олади. Ушбу Қонуннинг 3-иловасида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун бу ҳақда ваколатли органи хабардор қилиш талаб этилади. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ушбу Қонунда назарда тутилмаган янги турларини (кичик турларини) жорий этиш тақиқланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турлари (кичик турлари) билан ваколатли органи хабардор қилмасдан шуғулланиш тақиқланади. Хабардор қилиш тартиби бўйичи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомада назарда тутилади.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ўзига хос қондалари ва хусусиятлари хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомига иловалар ҳисобланувчи паспортларда белгиланади.

#### 37-модда. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартлар

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартлар хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомида ва паспортларда кўрсатилади.

Хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомида ва паспортларда куйидаги талаблар ҳамда шартлар кўрсатилади: паспортларда назарда тутилган талаблар ва шартларга рия этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

фаолиятни бошлаш ҳақидаги хабарномада (бундан буён матнда хабарнома деб юритилади) кўрсатилган ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш;

ҳодимлар билан янги меҳнат шартномалари тузилганлиги, шартномаларга ўзгартишлар киритилганлиги ва улар тугатилганлиги ҳолларини, шунингдек амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказиш – тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун ҳодимларга нисбатан шундай талаб мавжуд бўлган тақдирда;

хабардор қилувчининг номи, жойлашган ери (яшаш манзили) ўзгарганлиги рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ёки филиал ва ваколатхона очилганидан сўнг ваколатли органини ўн иш куни ичида хабардор қилиш;

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа талаблар ва шартлар.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол бузилиши ҳолларининг рўйхати паспортларда белгиланади.

#### 38-модда. Хабарнома юбориш ва уни ҳисобга олиш тартиби

Хабардор қилувчи (унинг номидан иш юритишга ваколатли шахс) ваколатли органга электрон рақамли имзосдан фойдаланган ҳолда махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида хабарнома юборади.

Хабарномани юборишда паспортларда назарда тутилган маълумотлар кўрсатилади ва ҳужжатлар илова қилинади.

Паспортларда назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

Хабардор қилувчилар хабарнома юбориш орқали хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун ушбу Қонуннинг 37-моддасида белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди.

Хабардор қилиш талаб этиладиган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизигача миқдорда йўғим ундирилади, бундан алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни ва алкоголь маҳсулотларини умумий оватқатини ҳорқоналари томонидан реализация қилишни бошлаш ҳақидаги хабарномалар муомасно.

Хабардор қилувчилар ваколатли органга юборилган хабарномалар кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир. Хабарномага киритилган маълумотлар махсус электрон тизим воситасида идораларор ҳамкорлик тизимларида мавжуд бўлган ахборот асосида автоматик равишда текширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда хабардор қилувчи томонидан махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида хабарнома юборилганда, паспортларда белгиланган тартибда тақсимланадиган йўғимнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

##### 39-модда. Хабарноманинг қабул қилинмаслиги

Хабарнома куйидаги ҳолларда ваколатли орган томонидан қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон ахборот киритилганлиги махсус электрон тизим воситасида аниқланганда;

хабарнома юборганлик учун йўғим тўланмаганда;

фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартларга рия этилганлиги ҳамда улар бажарилганлиги тасдиқланмаганда;

агар хабардор қилувчи аввал хабарномалар реестрига айна ўша фаолият (ҳаракатлар) бўйича киритилган бўлса ва унинг фаолияти (ҳаракатлари) амал қилаётган бўлса;

ваколатли орган ёки суд томонидан хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) муайян мuddатга тўхтатиб турилганда; хабардор қилувчи томонидан тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш суднинг қарорига асосан тақиқланганда.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳоллардан ташқари бошқа асослар бўйича хабарномани қабул қилмаслик тақиқланади.

#### 40-модда. Хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома

Ушбу Қонунда, шунингдек хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомида ва хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомига иловалар ҳисобланувчи паспортларда белгиланган талабларга ва шартларга рия қилинган ҳолда юборилган хабарнома махсус электрон тизим воситасида автоматик равишда қабул қилинади ва хабардор қилувчига хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома юборилади.

Тасдиқнома юборилган хабардор қилувчилар тўғрисидаги ахборот хабарномалар реестрида автоматик равишда шаклантирилади.

#### 41-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш асослари

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) куйидаги асосларга кўра муайян мuddатга тўхтатиб турилади: ваколатли органинан ташаббусига биноан; хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги иш судда кўриб чиқилганда, суднинг ҳал қилув қарори қўнуний қуьга киргунга қадар.

#### 42-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ваколатли органининг ташаббусига биноан тўхтатиб туриш тартиби

Ваколатли орган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомига иловалар ҳисобланувчи паспортларда назарда тутилган талаблар ва шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган мuddатга тўхтатиб туриши мумкин.

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш учун асослар аниқланган тақдирда, ваколатли орган далолатнома тузади ва хабардор қилувчини ушбу далолатнома билан таништиради.

Далолатнома тузилган кундан эътиборан бир иш куни ичида ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган мuddатга тўхтатиб туради ва аниқланган

камчиликларни хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) тўхтатиб турилган мuddатда бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олган қарорни қабул қилади.

Ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни унга махсус электрон тизим воситасида бир иш куни ичида юборади ва шу куннинг ўзида хабарномалар реестрига хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) тўхтатиб турилганлиги тўғрисидаги ахборотни киритади.

#### 43-модда. Хабардор қилувчининг ваколатли орган томонидан тўхтатиб турилган, хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда олганидан кейин у қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиши ва бу ҳақдаги ахборотни ваколатли органга асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда юбориши керак.

Ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ахборотни олган кундан эътиборан беш иш куни ичида ушбу ахборотни таҳлил қилиши ва зарур бўлганда, олинган ахборотни жойига чиққан ҳолда ўрганиши керак. Бунда ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва уни хабардор қилувчига махсус электрон тизим воситасида юборади.

Ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги далолатнома юборилганидан кейин бир иш куни ичида:

хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

хабардор қилувчига унинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш тўғрисидаги қарорни махсус электрон тизим воситасида юбориш; хабарномалар реестрига хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) қайта тикланганлиги тўғрисида белги қўйиши керак.

Хабардор қилувчи томонидан ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, ваколатли орган хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш чораларини кўради.

Агар ваколатли орган ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган чораларни кўрмаса, хабардор қилувчи ваколатли органини махсус электрон тизим воситасида хабардор қилган ҳолда ўз фаолиятини (ҳаракатларини) давом эттириши мумкин.

#### 44-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш асослари

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари):

хабардор қилувчи томонидан ўз фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисида ваколатли органга юборган хабарномага;

хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги суднинг қарорига асосан тугатилади.

#### 45-модда. Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиши

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатганлиги тўғрисида махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида ваколатли органини хабардор қилиши керак.

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги хабарномани юборганлиги учун йўғим ундирилмайди.

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги хабарнома юборганидан кейин унинг фаолияти (ҳаракатлари) хабарномалар кўрсатилган санадан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади ва хабарномалар реестрига бу ҳақда автоматик тарзда белги қўйилади.

#### 46-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) суд томонидан тугатиш

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги ариза судга ваколатли орган томонидан куйидаги ҳолларда берилади:

хабардор қилувчи томонидан фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш тўғрисида юборилган хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ёлғон ёки нотўғрилиги аниқланганда;

хабардор қилувчи белгиланган талаблар ва шартларнинг бузилиши билан боғлиқ камчиликлар ваколатли орган томонидан белгиланган мuddатда бартараф этилмаганда;

белгиланган талаблар ва шартлар мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларига, жамоат ҳавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ваколатли орган далолатнома тузади ва бир иш куни ичида уни махсус электрон тизим воситасида хабардор қилувчига юборади. Далолатнома тузилганидан кейин ваколатли орган беш иш куни ичида судга хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш ҳақида ариза беради.

Ваколатли органининг хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қаноатлантирилмаган тақдирда, ваколатли орган хабардор қилувчи олдида хабардор қилувчига етказилган зарар миқдорига жавобгар бўлади.

Ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) тугатилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қўнуний қуьга кирганидан кейин ўн иш куни ичида хабарномалар реестрига белги қўяди.

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра тутилган тақдирда, бу фаолият хабардор қилувчи томонидан хабарнома юборилган санадан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади.

Фаолияти (ҳаракатлари) суд тартибида тугатилган шахслар махсус электрон тизимдаги алоҳида рўйхатга киритилади.

#### 47-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) амалга ошириши тақиқлаш

Ваколатли орган хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) тугатиш тўғрисидаги аризада хабардор қилувчи томон



